

БУГУН ҲАММА НАРСАНИНГ ИЛОЖИ БОР!

advice.uz
Янгиликлар Лойиҳа ҳақида Алоқалар

Фуқаро

Изланаётган сўз ёки жумла

Уз Оз Ру Ен

Бўлимлар

- Суд-ҳуқуқ масалалари
- Оилавий муносабатлар
- Уй-жой ва коммунал масалалари
- Меҳнат муносабатлари
- Уй-жой ва коммунал масалалари
- Фуқаролик / Миграция
- Соғлиқ сақлаш
- Маълумотлар
- Таълим
- Давлат хизмати
- Солиқлар
- Тўловчи элликларга эслатма
- Истеъмолчи ҳуқуқи

advice.uz
Фойдали манбалар

Фуқаролик / Миграция

advice.uz
Huquqiy axborot portali

**ХУҚУҚИЙ МАЪЛУМОТ
СИЗ ХОҲЛАГАН ВАҚТДА
ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ**

4-саҳифа

Блогерлар шарҳлар учун жавобгар(ми?)

СўНГИ кунларда кўп муҳокамаларга сабаб бўлган ОАВлар, блогерларнинг "пост"лар ва изоҳлар учун жавобгарлиги масаласида Ўзбекистон ва хориж мамлакатлари қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда ўз муносабатимни билдиришни лозим топдим.

ОАВлар ва блогерларнинг интернет тармоғидаги "пост"лари ва уларга изоҳлар билан боғлиқ муаммолар дунёнинг деярли барча мамлакатларида мавжуд бўлиб, ўша давлатларнинг қонунчилиги билан турлича тартибга солинади. Масалан:

АҚШда веб-сайт эгалари ва блогерлар "Алоқаларнинг мақбуллиги тўғрисида"ги қонунга кўра ўз фойдаланувчилари жойлаштирган тўхматона маълумотлар учун жавобгарликдан ҳимоя қилинади. Умумий қоида бўйича, фойда-

ланувчиларнинг шарҳлари учун ОАВ ёки блогер, шарҳ ҳақида библиши ёки билмаслигидан қатъи назар, жавобгар бўлмайди. Лекин, қуйидаги ҳолларда ОАВ ёки блогер бошқа шахслар қолдирган шарҳлар учун жавобгар бўлиши мумкин:

- агар шарҳ қолдирган шахс блогернинг ходими бўлса;
- шарҳнинг жиноятлиги очиқчасига маълум бўлиб турган бўлса;
- шарҳ муаллифлик ҳуқуқи ёки савдо маркасига зарар етказадиган тартибга эга бўлса.

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ

Аслида хусусий мулк дахлсизлиги Конституция нормалари (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-модда) билан мустаҳкамланган. Шунга қарамай, айрим мансабдор шахслар томонидан асосий қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар рўй берди...

2-саҳифа

ОБОДОНЛАШТИРИШГА ЧИҚМАСАНГ ИШДАН БЎШАЙСАН!

Беруний туман адлия бўлимига фуқаро С.Ю. мурожаат қилди. Унинг айтишича, корхонада хизмат вази-фасига кирмайдиган ободонлаштириш ишларига уни мажбур қилаётган, ҳаттоки иш берувчи ишдан бўша-тиш билан кўрқитаётган экан...

5-саҳифа

ДУНЁНИ МЕҲР КУТҚАРАДИ

...Озода ёзган шеърни юрак-юракдан берилиб ўқий бошлади. Мазмуни шундай эди: "Дада, келинг, Сизни жуда соғиндим. Энди сира хархаша қилмайман, Сиз учун овқат пишираман, уйларни тозалайман, кўйлагингни дазмол қиламан. Дада, келинг Сизни жуда соғиндим!"...

6-саҳифа

ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ

АСЛИДА хусусий мулк дахл-сизлиги Конституция нормалари (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-модда) билан мустаҳкамланган. Шунга қарамай, айрим мансабдор шахслар томонидан асосий қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар рўй берди. Бу масала давлатимиз раҳбарининг диққат эътиборида бўлди ва мулк эгаси ҳамда ҳокимият вакиллари ўртасидаги келишмовчиликларга ўз вақтида ечим топилди. Аммо масаланинг моҳияти бошқа ерда. Яна худди шундай воқеалар рўй бермаслигига қаролат бера оламизми? Қачон одамларимизда ҳуқуқий онг шакл топади? Бу вазиятда қонунчиликдаги нормаларни янада кучайтириш, асосий мажбуриятлар ва жавобгарлиқни мустаҳкамлаш зарур эди. Шу мақсадда жорий йилнинг 13 августда иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди. Адлия вазирлиги томонидан 15 август кунги мазкур қонун ҳужжатлари муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Демак, фуқаро ер участкасини хусусийлаштириб олса, мулкни истаса сотади, истаса сотмайди. Бу тушунарли. Аммо давлатга-чи? Истамаса, давлат эҳтиёжи учун керак бўлганда ҳам сотмайди? Аслида қонунга мувофиқ шундай бўлиши керак. Баъзи истисно ҳолатлар ҳақида эса мутахассис фикр билдирди.

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ЕР УЧАСТКАСИ ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИ?



Отабек ХОЖАНИЙОЗОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Қонун билан белгиланган шундай ҳолатлар борки, бунда хусусийлаштирилган бўлса-да, ер участкаси олиб қўйилади. Қайси ҳолатлар? Бунда тўртта асосий вазиятни санаб ўтамиз:

ЕР ХУСУСИЙ МУЛК БЎЛАДИ

“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун билан ерни хусусий мулкка айлантириш билан боғлиқ бир қатор нормалар киритилди. Бизда ҳеч қачон ер хусусий мулк бўлмаган, ҳатто ўзимиз яшаб турган уйнинг ҳам иморати шахсий мулк, остидаги ер эса давлатнинг умумийлиги бойлиги эди. Шу сабаб исталган пайт давлат эҳтиёжлари учун беришга мажбур эдик. Янги тартибга кўра энди истаган одам ер участкасини хусусийлаштириб олиши мумкин. Таъкидлаш жоиз, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини хусусийлаштириш ихтиёрий характерга эга.

Мазкур Қонунга кўра, ер участкаларини хусусийлаштириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган ер участкаларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш;
- ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиш. Қўйидаги ер участкалари эса хусусийлаштирилмайди:
- хусусийлаштирилмайдиган фойдали қазилмалар конлари, давлат мулкидаги стратегик объектлар жойлашган ер участкалари;
- режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда жойлашган ер участкалари;
- табиятни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари;
- ўрмон ва сув фондларининг, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, хиёбонлар);
- хавфли моддалар билан зарарланган ва биоген захарланишга дучор бўлган ер участкалари;
- эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари.

1. Қарздорлик мавжуд бўлганда. Яъни, қарзни тўлаш учун бошқа мулклар бўлмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий тарзда қарз ҳисобига ер участкаси олиб қўйилиши мумкин.
2. Реквизиция. Мамлакатда табиий офатлар рўй берган, эпидемиялар тарқалган ва шунга ўхшаш фалокатлар юз берганда давлат учун ер участкаси керак бўлса, демак, мажбурий тартибда мулк эгасидан олинади. Бунда, албатта, тегишли қарор билан ер қиймати ёрроқ бозор нарҳида баҳоланиб, мулк эгасига пул тўлаб берилади.
3. Конфискация. Бу жиноят процессуал қонунчилиги билан белгиланган ҳолатларда, яъни ер участкаси жиноят билан боғлиқ бўлиб қолган, айтилки, жиноят объекти бўлган ҳолатларда мулк олиб қўйилиши мумкин.
4. Национализация. Бу фақат мулкдорнинг розилиги билан, унинг қийматига мос миқдордаги пулни тўлаб, ер участкасини олиб қўйиш дегани. Яъни, давлат учун керак шу ер участкаси, агар унинг эгаси рози бўлса, давлатта сотади, рози бўлмаса йўқ.

Таъкидлаб айтишим лозим, юқоридагилардан бошқа ҳеч қайси ҳолатларда ер участкаси мажбурий тартибда олиб қўйилиши мумкин эмас. Ривожланган мамлакатларда кўришимиз мумкин, катта миқёсдаги қурилишлар орасида эски бир уй ёки бирор объект турган бўлади. Демак, ўша мулк эгаси ерини сотишни истамаган ва буни ҳеч ким мажбурий олмайди. Бизда ҳам шундай бўлади. Шунинг учун қонун ҳужжатлари билан бу жараён мустаҳкамланаяпти.

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ҚАНДАЙ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Қонунга кўра кўчмас мулк объекти жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза ер участкаси жойлашган туман (шаҳар) ҳокими-

нинг номига давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

Мазкур ариза Ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия томонидан 10 иш кун ичида кўриб чиқилади. Комиссиянинг хулосаси ҳокимнинг ер участкаларини хусусийлаштириш ёки уларни хусусийлаштиришни рад этиш ҳақидаги тегишли қарорини қабул қилиш учун асос бўлади. Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш ҳақидаги қарор комиссиянинг салбий хулосаси тузилган кунда қабул қилинади ва ушбу қарор устидан маъмурий судга шикоят қилиниши мумкин.

Хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тегишли тўлов амалга оширилганидан сўн 3 иш кун ичида қабул қилинади.

Қонунга биноан, Ўзбекистон фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон резидентлари бўлган юридик шахслар ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин.

Белгиланган ушбу талаблар 2020 йил 1 мартдан эътиборан амалда бўлади.

ЕРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?



Беҳзод НИШОНОВ, “Давергеодезкадастр” кўмитаси вакили:

— Ерни хусусийлаштириш бизга нима беради? Шу ҳақда гапирмоқчиман. Тасаввур қилинг, “ер сотилади”, деган эълон бўйича бордингиз ва ерни сотиб олмақчисиз. Илгариги ҳолат бўйича ерни сотиб олишингиз учун бу ерга олдин иморат қурилиши керак.

Чунки бўш ерга кадастр ҳужжати расмийлаштирилмайди. Иморат қурилгач, сотувчининг номига мулк расмийлаштирилади. Ана ундан кейин сотувчи фикридан қайтмаса, Сиз уни но-тартиал тартибда сотиб олишингиз мумкин бўлади. Бу бир қанча қийинчилик, сарсонгарчилик ва хавфни пайдо қилади. Агар ер майдони хусусийлаштирилган бўлса-чи? Бу ортиқча жараёнлар ўз-ўзидан йўқолади. Яъни, Сиз сотмоқчи бўлсангиз, бевосита ерни сотишингиз мумкин. Сотиб олмақчи бўлсангиз ҳам иморат қурилмаган бўш ерни қийинчиликсиз харид қиласиз.

Бугунги суд жараёнларининг таҳлилини кўрадиган бўлсак, жуда кўп низолар бино кимники эмас, бино жойлашган ернинг чегараси кимники, деган тортишувлар орқасидан келиб чиқади. Бунга асосий сабаб ер майдонининг аниқ чегаралари белгилан-масдан, умумий ер майдонидаги битта бино бир фуқарога, бошқа бир бино бошқа фуқарога тегишли бўлганлигидир. Яъни, аниқ чегара белгиланиб, ер хусусийлаштирилмаганининг оқибати бу.

Кимнингдир катта бир ер участкаси бор дейлик, унинг бир

қисмини яқин қариндошига ёки кимгадир ажратиб бермоқчи. Бу ҳолатда ҳам бўш ер участкасини ўзини ҳеч қандай шартнома асосида бировга ўтказиш имкони йўқ. Яъни, мулк бўлмаганлиги сабабли уни тасарруф этиш, сотиш ҳуқуқи бўлмайди. Яна бунда ҳам бир неча жараёнларни ўтказишга тўғир келади, бино қуриш, уни расмийлаштириш ва ҳоказо. Яна иш туман ҳокимликларига бориб тақалади, ҳокимларнинг қарори керак бўлади. Қарорлар эса баъзан неча ойга кечикиб чиқади. Таъкидлаганимиздек, жараён кўп, оворагарчилик кўп. Ер участкалари хусусийлаштирилиши билан эса мана шу барча сарсонгарчиликларга чек қўйилади. Фуқароларимиз учун ўзи хоҳлаган битимларни тез ва қулай амалга ошириш имкони пайдо бўлади.

МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯЛАНАДИ

Мазкур соҳада қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қаролатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Президент Фармони. Ҳужжатда хусусий мулк дахлсизлиги, ер ажратилиш ва уни олиб қўйишда ҳокимият органларининг аралашувини чеклаш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган.

Фармон билан маҳаллий ҳокимият ва бошқа ваколатли давлат органлари раҳбарлари Конституциянинг хусусий мулк дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш

ва янада қўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги нормаларини сўзсиз ижро этиш ва уларга қатъий риоз қилиш бўйича шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Фармонда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига қуйидагилар таъкидланди:

- тадбиркорларни ўз фаолиятдан ташқари, шу жумладан, ҳомиёлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш, кўкалар-зорлаштириш, темир-тераск ва макулатура йиғиш ишларига мажбурий жалб қилиш;
- тадбиркорларни қишлоқ хўжалигидagi мавсумий ишларга (экиш ва йиғиб олиш) ва меҳнат ресурслари, пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;
- тадбиркорларни иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни қўллаш таҳдиди остида йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.


ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТИ ДЕПУТАТЛАРГА ӨТДИ

2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қуйидаги ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилади:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш;
- жисмоний ва юридик шахслар эгаллигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш.

ҲОКИМЛАРНИНГ ЕР АЖРАТИШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги Фармони билан ҳокимларнинг ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ бир қатор ваколатлари қисқартрилди.



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Буюк Британияда веб-сайт

эгалари, 2013 йилда қабул қилинган "Тўхмат тўғрисида"ги актнинг 5-бўлимга мувофиқ, фойдаланувчиларнинг тўхматона шарҳлари учун веб-сайтлар ёки блогерлар қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади (агар жабрланувчи буни исботласа):

- тўхмат ёки ҳақорат қилган шахсни аниқлаш имкони бўлмаганда;
- жабрланувчи шарҳ мазмунига нисбатан сайт операторига ёки блогерга шикоят юборган бўлса;
- жабрланувчининг шикоятига жавоб берилмаган бўлса.

Беларусь Республикаси "Оммавий

ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунга кўра, интернет-ресурс, интернет нашрининг эгаси ўзига тегишли бўлган ресурс орқали қонунчилик билан тарқатиш тақиқланган, давлат ва жамият манфаатларига зарар etkazувчи ишончсиз, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, жисмоний шахсларнинг шъни ва қадр-қимматига путур etkazувчи, юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсини тўқувчи маълумотлар тарқатилишига йўл қўймаслиги, Республика қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиши лозим ва ваколатли давлат органининг талабига мувофиқ юқорида санаб ўтилган турдаги маълумотларни дарҳол ўчириб ташлашга мажбур.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасини, ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ва ундан бошқача тарзда фойдаланиш масалаларини тартибга солишга қаратилган асосий қонунлар бу — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги қонунлардир.

Конституциямизга мувофиқ, ҳар ким, шу жумладан, ОАВ ва блогерлар ҳам ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга (амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасно). Яъни, қонун билан чекланган (тақиқланган) ахборотдан ташқари исталган ахборотни тарқатиш мумкин.

ҚАНДАЙ АХБОРОТЛАРНИ ТАРҚАТИШ МУМКИН ЭМАС?

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 12¹-моддасининг биринчи қисмига кўра, оммавий ахборот воситаларидан ҳамда веб-сайтлар ва (ёки) веб-сайт саҳифаси, шу жумладан, блогернинг саҳифасидан:

- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;
- уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм гояларини тарғиб қилиш;
- давлат сирини бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ошкор этиш;
- миллий, irqий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур etkazувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашушига йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;
- гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;
- порнографияни тарғиб қилиш;
- қонунга мувофиқ жинсий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадла-

Блогерлар шарҳлар учун жавобгар(ми?)



рида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Маълумот учун: "қонунга мувофиқ жиний ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар"га мисол қилиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексининг тўхмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарлик белгиланган моддаларини кўрсатиш мумкин (МЖТК 40 ва 41-мд., ЖК 139 ва 140 мд.).

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 12¹-моддасининг иккинчи қисми билан қуйидаги қоида ўрнатилган: "Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилмайдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек, жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт".

Маълумот учун: "ахборот" тушунчаси "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида берилган бўлиб, унга кўра, ахборот деганда манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилади.

Демак, оммавий ахборот воситалари ҳамда веб-сайтлар (веб-саҳифалар) эгалари, шу жумладан, блогерлар ҳам ўз тармоқларида тўхмат, ҳақорат ва юқорида келтирилган тавсифларга мос тушадиган бошқа ҳар қандай маълумотларни тарқатилмаслигини таъминлашлари, нотўғри маълумотлар қўйилган бўлса, уларни ўчиришлари керак.

ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖАЗО

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 12¹-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари юқорида кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги оқибатларини қуйидагича белгилайди:

"Бу мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер томонидан бажарилмаган тақдирда мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин. Ушбу талабларни бузганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар-

ликка сабаб бўлади". Аниқ жавобгарлик ва жазо масаласида эса, энг аввало, Жиноят кодексининг 244¹-моддаси жиддий эътиборга молик. Ушбу моддага кўра, оммавий ахборот воситалари ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда қуйидаги хатти-ҳаракатларни содир этиш 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади:

- диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастилик гоялари билан йўғрилган, қиргин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этиладиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни;
- фуқаролар тотувлигини бузиш, тўхматона ва вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни;
- жамиятда қарор топган ҳулқ-атвор қоидаларига ва жамоат ҳавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадда диндан фойдаланиш, шунингдек, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш.

Бу ҳуқуқбузарликларга нисбатан ижтимоий ҳавфлилик даражаси камроқ ҳуқуқбузарликларни, ҳаракатларини айнан Интернет орқали содир қилганлик (ҳақоратли ёки бошқача номақбул "пост" ва изоҳлар қолдирганлик, номақбул изоҳларни ўчирмаганлик) учун жазо белгилувчи алоҳида қонун ҳужжати ёки норма амалдаги қонунчиликда ҳозирча мавжуд эмас.

Лекин жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракатларни интернет орқали содир этган шахслар шу ҳаракатларни содир этганини учун умумий жавобгарлик белгиланган тегишли қонун ҳужжатларига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин. Масалан, интернетда "пост" ёки изоҳлар орқали бошқа шахсни тўхмат ёки ҳақорат қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40 ва 41-моддалари ҳамда Жиноят кодексининг 139 ва 140-моддаларида жазо белгиланган.

Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган жазо чоралари фақат ҳуқуқбузарликни бевосита содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳам таъкидлаш лозим.

Чунки ОАВлар ҳамда блогерларга тегишли веб-сайтлар (веб-саҳифалар) орқали жиний ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракатларни бошқа шахслар томонидан содир этилишига йўл қўймаслик мажбуриятини амалдаги қонунчилик ОАВлар ҳамда блогерлар зиммасига юклаган бўлса-да, лекин бу мажбуриятни бажармаганлик учун жазо чоралари аниқ белгилаб қўйилмаган.

Умумий қоида буйича эса ҳар қандай шахс фақат ўзи содир этган ғайриҳуқуқий, айбли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун

Маълумот учун: "қонунга мувофиқ жиний ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар"га мисол қилиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексининг тўхмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарлик белгиланган моддаларини кўрсатиш мумкин (МЖТК 40 ва 41-мд., ЖК 139 ва 140 мд.).

маъмурий ёки жиний жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шу ўринда жавобгарликнинг фуқаровий тури ҳам мавжудлигини эслатиб ўтиш зарур. Интернет тармоқлари орқали тўхмат, ҳақорат ва бошқа нотўғри маълумотларнинг тарқатилиши оқибатида ўзининг шъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур etkazилган, деб ҳисоблаган фуқаро, Фуқаролик кодексининг 100-моддасига асосан, бундай маълумотларни рад этилишини ҳамда уларни тарқатиш оқибатида etkazилган, зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Бу қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади.

МАЖБУРИЯТ

1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ:

- ОАВлар ҳамда веб-сайтлар (веб-саҳифалар) эгалари, шу жумладан, блогерлар ўз тармоқларида тўхмат, ҳақорат ва қонунга мувофиқ жиний ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа маълумотларни тарқатилмаслигини таъминлашлари, нотўғри маълумотлар қўйилган бўлса, уни ўчиришлари керак. Бу улар зиммасига юклаган мажбуриятлардир;
- бу мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда тегишли веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин;
- интернет тармоғида "пост" ёки изоҳлар орқали бошқа шахсни тўхмат ва ҳақорат қилиш ҳамда қонунларга кўра жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этишда айбдор шахслар (ОАВ вакили ёки блогер ёхуд бошқа жиний шахс) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40 ва 41-моддалари, Жиноят кодексининг 139, 140, 244¹-моддалари, Фуқаролик кодексининг 100-моддаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий, жиний ва фуқаровий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

2. Ахборотни тарқатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Чунки:

биринчидан, мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг кўпчилиги (6 та қонун ва 10 дан ортиқ қонунчи ҳужжатлари мавжуд) ОАВлар, блогерлар ва аҳоли учун уларни билиш ва тушунишда қийинчилик туғдиради; иккинчидан, мавжуд қонун ҳужжатлари билан ахборотни тарқатиш билан боғлиқ муносабатлар етарлича тартибга солилмаган, ушбу муносабатлар субъектларига қўйилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш ва талаблар бажарилмаган ҳолларда жавобгарликка тортиш механизми мумкин эмас (масалан, изоҳларни ўчириш мажбурияти бор, лекин ўчирмаганлик учун аниқ жавобгарлик белгиланмаган);

учинчидан, сохта аккаунтлар орқали "пост" ва изоҳлар қолдириш имкониятини мавжудлиги ҳар доим ҳам айбдорларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга имкон бермайди.

Аъзам МАДАМИНОВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сийosat тадқиқот институти директори в.в.б.

БУГУН ҲАММА НАРСАНИНГ ИЛОЖИ БОР!

ADVICE.UZ: — ҳуқуқий маълумот сиз хоҳлаган вақтда тақдим этилади

СИЗ ТОРТИНМАНГ, СЎРАЙВЕРИНГ!

ИНСОНЛАРДА нима кўп, ўй, хаёл кўп. Шу билан бирга саволлар ҳам кўп. Баъзан ана шу саволларимизга кимдан жавоб олишни билмай сарсон бўламиз. Айниқса, бу ҳуқуқий масалага оид бўлса-ми? Рости, бирон бўйинбоғли ҳуқуқшуноснинг олдига бориб саволингизни айтишга ийманасиз. Телефон орқали сўраш ҳам Сиз учунмас. Ёки хориз сериалларидаги каби шахсий адвокат ёллашни ҳам чўнтармайди. Қарабсизки, ҳуқуқни ўрганишга иштиёқ бору кимга мурожаат қилиш ёки қандай ўрганишга бош қотган. Лекин бугун ҳамма нарсанинг иложи бор. Уйда ўтирган ҳолда бозорлик қилишингиз, китоб олишингиз, такси ёллашингиз, чипталар харид қилишингиз, мазали таомлар буюртирингизнинг мумкин. Бу хизматлардан интернет орқали фойдаланса бўлади. Қандай яхши-а? Вақтингиз тежаллади. Унганча зарур ишларингизни қилиб олишга ҳам улгурасиз.

Айтмоқчиманки, бугун ҳуқуқий маслаҳатни ҳам онлайн режимда олиш имконияти пайдо бўлди. Бу қўлайлик Адлия вазирлиги ташаббуси билан ишлаб чиқилган ADVICE.UZ портали орқали тақдим этилмоқда. Портал имкониятларидан фойдаланишни таклиф қилишдан аввал ўзимиз унинг фаолиятини текшириб кўрдик. Чунки одам айрим давлат идораларининг “ўрганилмоқда”, “тегишлилигига кўра”, деган жавобларидан очиги безор бўлган. Савол-жавоблар учун онлайн

платформа яратилган бўлса-да, жавобдан дарак йўқ сайтлардан ҳам кўнгил қолган. Шу сабабли, аввало, сайтга савол йўллаб кўрдик. Қандай яхши, Сиздан исм-шарифингиз ҳам, ёшингиз ҳам, жинсингиз ҳам, ҳатто прописангиз ҳам сўралмайди. Саволингизни ёзасиз, кипригингизни очиб юмгунга қадар жавоб ҳам ҳозиру назор. Онлайн, деганича ҳам бор экан-да...

Сайтда ҳаётимизда тез-тез дуч келадиган муҳим масалаларга оид саволларга ҳам жавоблар берилган. Муҳими, мавзулар категорияларга ажратилган. Сизни қайси мавзу қизиқтираётган бўлса, ўша қаторни белгилаб, ҳуқуқий билимларингизни етарлича оширишингиз мумкин.

Жумладан, сайтда қуйидаги ҳуқуқий масалалар:

- меҳнат қонунчилиги;
- чет элда ишлаш тартиби — миграция;
- паспорт тизими;
- оила муносабатлари;
- ўй-жой, коммунал хўжалик;
- фуқаролар тадбиркорлиги;
- ижтимоий ҳимоя масалалари;
- соғлиқни сақлаш;
- банк, солиқ масалалари;
- транспорт соҳасидаги қонунчилик;
- давлат хизматлари;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- таълим қонунчилиги;
- суд-ҳуқуқ масалалари, ҳуқуқий

- ҳимоя;
- мажбурий ижро бюроси, низоларни ҳал қилиш;
- ҳарбий хизмат ҳақида маълумот олиш мумкин.

Эслатиб ўтиш жоиз, порталда жойлаштирилган барча маълумотлар тавсиявий аҳамиятга эга бўлиб, ў ёки бу масаланинг ҳуқуқий ечимини тез топишга қаратилган.

Яна бир масала. Сайт фақат ҳуқуқий маълумот беради. Ва бу жараён мутлақо бепул. Сайтдаги маълумотлар ўзбек ва рус тилларида берилган. Шунингдек, сайтда махсус “Чет эликларга эслатма” бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлим орқали чет эл фуқаролари Ўзбекистонга келиш, кетиш, бўлиш, яшаш тартиби ҳақидаги ҳуқуқий маълумотлар билан араб, хитой, рус, инглиз, испан, француз тилларида танишиши мумкин.

“Advice.uz” ҳуқуқий ахборот порталининг онлайн-маслаҳатчи хизмати орқали ҳуқуқий маслаҳатлар ҳафтанинг душанба кунидан жума кунигача (байрам кунларидан ташқари) соат 09:00 дан 13:00 гача ва 14:00 дан 18:00 гача берилади.

Бу ерда ариза ёки шикоятлар кўрилмайди. Яна адашиб, муаммоларингиз, турли даъволарингиз бўлса юбориб овора бўлманг, дейман-да. Бунинг учун Адлия вазирлигининг Ишонч телефони, фуқаролар қабулхоналари, сайёр қабуллар бор. Ана шу ерда мурожаатларингизга жавоб топишингиз мумкин.



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ЎЗИНГИЗ ХОҲЛАГАН ПАЙТДА ОЛИНГ



Ўзингизни қизиқтирган маълумотлар билан 24 соат мобайнида узлуксиз танишиш имкони мавжуд.



Бунинг учун интернет тармоғига уланган мобил телефон ёки компьютернинг мавжудлиги kiffoя.



Сиз қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар йўқ бўлса, порталдаги онлайн маслаҳатчига мурожаат қилинг.



Агар интернетга боғланиш имкони йўқ бўлса, туман (шаҳар) адлия бўлимларида жойлашган “Advice.uz” портали бюраларига мурожаат қилинг.



“Advice.uz” порталидан олинадиган барча ҳуқуқий маслаҳатлар бепул.

Напишите ваше сообщение

Бизнес-мессенджер JivoSite

Хайри кўй! Боявчи бир бошқадан имолия бончага ючирин тартиби қандай? Илтимос маълумот берсангиз?

Введите сообщение и нажмите Enter

Тўлиқ Тўрунов

Бизнес-мессенджер JivoSite

Кўчирин тартиби қандай? Илтимос маълумот берсангиз?

Тўлиқ Тўрунов

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарорига мувофиқ “Бопаларне давлат мактабига таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ” тасдиқланган бўлиб, ушбу Регламентда бопаларни давлат мактабига

Введите сообщение и нажмите Enter

ПОРТАЛГА ЙЎЛЛАНГАН САВОЛГА ЖАВОБ

САЙТНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИГА ҚИЗИҚАЯПСИЗМИ?

Хабарингиз борми-йўқми, 2019 йилги Давлат дастурида аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш тизимини яратиш бўйича вазифа қўйилган эди. Ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Advice.uz лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Буюк Британиянинг Citizens Advice тармоғи тажрибаларидан фойдаланган ҳолда яратилган.

Махсус ишчи гуруҳ томонидан дастлаб advice.uz доменида махсус сайт яратилди. Ҳозирда сайтга e-mailslahat.uz домени орқали ҳам кириш мумкин.

Сайтга жамият ҳаётининг барча жаҳаларини қамраб олган асосий ҳуқуқий масалалар бўйича 1000 дан ортиқ контентлар жойлаштирилган.

Муҳими, сайт мундарижаси ўтказилган ижтимоий сўровлар, тадқиқотлар ва кузатувлар натижалари асосида тузилган.

БУГУНГАЧА ҚАНЧА МУРОЖААТ БЎЛДИ?

Мазкур тизим орқали ҳозирги кунга қадар 4636 нафар фойдаланувчи томонидан 9 459 та ҳуқуқий савол йўлланган. Бундан ташқари, тизимнинг офлайн мулоқот саҳифаси орқали 1802 та ҳуқуқий савол келиб тушган.

Саволларнинг 36 фоизи (ишга жойлашиш, меҳнат таътиллари, ишдан бўшаш, жамоа шартномалар ва ҳ.к) меҳнат муносабатларига тааллуқли. Шунингдек, 28 фоиз саволлар ижтимоий таъминот (пенсия, нафақа, моддий ёрдам ва ҳ.к)га тегишли. Таълим (18 фоиз), ўй-жой (12 фоиз) соҳасидаги саволларнинг улуши ҳам каттагина. Қолган йўналишларда келиб тушган саволлар умумий саволлар ҳажмининг 6 фоизини ташкил этади.

Ҳозирда онлайн-мулоқот тизимини модернизация қилиш масаласида иш олиб борилмоқда.

Модернизациядан кейин мурожаат этувчиларнинг жинси, ёши, ҳудуди каби муҳим стратегик йўналишларда ҳам статистикани шакллантириш имкони бўлади.

ADVICE.UZ ЛОЙИҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Келгусида “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот порталининг мунтазам равишда юритилиши ва янгиланган бўлишини таъминловчи “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилиши белгиланган.

Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳридаги 28 та туманда ҳуқуқий маслаҳат бюралари ташкил этилади.

“Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий аппарати Адлия вазирлиги биносига, ҳуқуқий маслаҳат бюралари заруратга кўра тегишли ҳудудий адлия органлари ёки туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари биноларига ижара тўловининг “ноль” ставкаси асосида жойлаштирилиши назарда тутилмоқда.

Ташкилот ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти Адлия вазирлигидан, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, хомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқуқат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бу маълумотлар таҳлил қилиниб, сайтга фуқароларнинг талаби бўйича маълумотлар ва янги қонун ҳужжатлари бўйича тартиб-таомиллар жойлаштирилиб борилади.

НАТИЖА-ЧИ, НАТИЖА?

Advice.uz порталига асосан ҳуқуқий тушунтириш сўраб мурожаат этишади. Шу билан биргаликда айрим мурожаатлар орқали реал муаммолар ҳам аниқланди. Хусусан, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйишда компенсация пуллари тўланмаётганлиги ҳақидаги мурожаатлар кўпаяётганлиги ҳақида тегишли таркибий бўлинмаларга хабар берилган. Мазкур хабар орқали ушбу масалада республика бўйича махсус акция ўтказилиб, тегишли лойиҳа ишлаб чиқиш белгилаб олинган. Хуллас, йўлланаётган саволлар орқали айнан қандай мавзуларда аҳолига ҳуқуқий тушунтиришлар берилиши кераклиги ўрганилиб, айнан шу йўналиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур сайт Сиз истган вақтда ҳуқуқий билимларингизни оширади. Муҳими, бу хизматдан ўзингизга қўлай вақтда фойдаланишингиз мумкин.


Дилфуза ЭРГАШЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Статистика

Бугунги кунда сайтдан

40 мингдан ошиқ фуқаролар фойдаланди. Уларнинг

1400 нафари чет эл фуқароларидир.



Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида”-ги Низомнинг 4-боб 27-моддасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни рад қилишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган.

ЭРИНЧОҚ КОМИССИЯ: фуқаролар билан боғлана олмаган эмиш

ҲАММА ташкилотлар ҳам ўз ишининг устасидек ишламайди. Шу сабабли баъзи ҳолларда мурожаат этган фуқароларнинг аризалари жўяли сабабларсиз рад этилаётганига гувоҳ бўлаёلمиз.

Фуқаро Ш.Сулайманова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Тўрақўрғон туман адлия бўлимига турмуш ўртоғи З.Бойдадаевнинг Давлат хизматлари марказига ҳовли-жойига нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш мақсадида мурожаат қилганлиги, бироқ мурожаати асосиз рад этилганидан норозилигини билдирди.

Ўрганиш жараёнида фуқаро З.Бойдадаев ҳақиқатан ҳам жорий йилнинг 19 апрель кuni Тўрақўрғон туман Давлат хизматлари марказига ҳозирда ўзи яшаётган, ўзбошимчалик билан қурилган ҳовли-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш мақсадида ариза билан мурожаат этганлиги, 3 май кuni мурожаат белгиланган тартибда ўрганиб чиқиш учун комиссия аъзоларига юборилганлиги, бироқ комиссия аъзолари — туман қурилиш бўлими ҳамда туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан 19 ва 26 май кунлари берилган хулосаларда “Тўрақўрғон туман Найманча маҳалласи ҳудудида яшовчи фуқаро З.Бойдадаев

мурожаатида қолдирган телефон рақами билан боғланиш имкони бўлмаганлиги сабабли фойдаланувида бўлган ҳовли-жой биноиншоотларини бўлим томонидан ўрганиб чиқиш имкони бўлмаганлиги сабабли мурожаат рад этилди”, деган ваҳми келтирган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-боб, 27-моддасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни рад қилишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган, шу сабабли телефон рақами билан боғланиш имкони бўлмаганлиги мурожаатни рад этишга асос бўла олмайди.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 28-моддасига кўра, комиссия томонидан шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас, деб топилганда, комиссия ишчи органи рад этиш асослари кўрсатилган хат тайёрлаши ва далолатноманинг нусхасини илова қилган ҳолда уни далолатнома тас-

диқланган куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимига тизим орқали юбориши, Давлат хизматлари маркази эса хат тушганидан сўнг бир соат мобайнида мурожаат этувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилиши ҳамда хатга ўзининг муҳрини қўйиб, мурожаат этувчига тақдим этиши, хатда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун тўққинлик қилаётган ҳолатларни (камчиликларни) бартараф этиш бўйича тавсиялар берилиши ёки ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас, бўлган ҳолатлар курсатилиши керак.

Бироқ комиссия аъзолари томонидан З.Бойдадаевнинг мурожаати асосиз рад этилган.

Шунга асосан, Тўрақўрғон туман адлия бўлими томонидан 2019 йил 17 июль кuni Тўрақўрғон туман маъмурий судига фуқаронинг қонуний манфаатлари юзасидан даъво аризаси киритилди ҳамда мурожаат қаноатлантирилди.

Улуғбек ЖАББОРОВ,
Тўрақўрғон туман
адлия бўлими бошлиғи

Ободонлаштиришга чиқмасанг ИШДАН БЎШАЙСАН!

БЕРУНИЙ туман адлия бўлимига фуқаро С.Ю. мурожаат қилди. Унинг айтишича, корхонада хизмат ва-зифасига кирмайдиган ободонлаштириш ишларига уни мажбур қилаётган, хаттоки иш берувчи ишдан бўшатиш билан кўрқатаётган экан.

Фуқаронинг мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди ва ҳақиқатан ҳам фуқаро С.Ю 2019 йил март ойидан ушбу корхонада ишлаётганлиги, иш вақтида у ва бошқа ходимлар иш берувчи томонидан таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларига жалб қилинганлиги, агар ишлашдан бош тортса меҳнат шартномасини бекор қилиш билан таҳдид қилинганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг 1-бандига асосан фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларини зудлик билан олдини олиш ва бунга чек қўйиш, фуқароларни, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, талабалар ва таълим муассасалари ўқувчиларини мажбурий жамоат ишларига бевоқифа ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари кўриш белгиланган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 7-моддасига мувофиқ, мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси, 1-қисмида қонунда назарда тутилган ҳолатлари истисно этганда, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, деб кўрсатилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу корхонада Меҳнат кодексининг 7-моддаси талаби бузилганлиги сабабли, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси, 1-қисмига асосан корхона раҳбарининг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ҳақида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақлиф киритилди. Давлат меҳнат инспекциясининг 2019 йил 7 августдаги қарорига асосан корхона раҳбарига энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорда жарима жазоси қўлланилиши белгиланди. Шундай қилиб, фуқаронинг мурожаати асосида яна бир мажбурий меҳнатга чек қўйилди.

Салтанат РАИМБЕКОВА,
Беруний туман адлия бўлими масъул ходими

Она оиласи бағрига қайтди

АЁЛ — оиланинг юраги, у тарбиячи, маслаҳатгўй, жонкуяр, жафокаш, вафодор... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Чунки аёлнинг оилада тутган ўрни бениҳоя катта. Афсуски, айрим аёллар йўлдан адашиб, деймизми ёки ҳою-ҳавасларга берилиб кетибми, фарзандларини ташлаб олисларга кетаётган ҳолатлар, кейинчалик ватандан ўзга жойда ватан бўлмаслигини ҳис қилиб, аттанг қилиб қолаётганлар ҳам учрамоқда.

Ўртачирчиқ туман адлия бўлими “Меҳр” дастури ижроси бўйича зиддиятли ҳудудлардан қайтган ватандошларимизни жамиятга қайта мослаштиришга кўмаклашиб келмоқда. Хусусан, кўп йиллар зиддиятли ҳудудда яшашга мажбур бўлган 3 нафар фарзанднинг онаси Ш.Сафарова давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 156 нафар фуқаро қаторида юртимизга қайтарилди. Аёлни ижтимоий ҳаётга мослаштириш мақсадида адлия бўлими томонидан унинг тикувчилик курсларида ўқишига кўмаклашди. Шунингдек, Ш.Сафарованинг фарзандлари тиббий кўриқдан ўтказилиб, улар боғча ва мактабга жойлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, она ўз оиласи бағрига қайтишига ҳар томонлама кўмак берилди. Энди фарзандлар она тарбиясини олиб улғаядиган бўлди.

Омонжон ЁҚУБЖОНОВ,
Ўртачирчиқ туман адлия бўлими масъул ходими

МУЛК ҲУҚУҚИ БЕРИЛДИ



ФУҚАРО Б.Тиллабоев Мирзо Улуғбек туман адлия бўлимига ариза билан мурожаат қилди. У ўзи яшаб турган, ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этилмаганлигидан норози.

Фуқаронинг мурожаати адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Масалага аниқлик киритиш, Б.Тиллабоевнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижобий ҳал қилиш учун туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Шундан сўнг Сайрам 7-тор қўчаси, 7-8-уй манзилида қонуний фойдаланишдаги 800.000 кв.м ер майдони-га рухсатсиз қўшиб олинган 330.00 кв.м ер ҳамда рухсатсиз қурилган, фойдаланиш майдони 484,18 кв.м. бўлган иморатларга нисбатан фуқаро Тиллабоев Баҳодирга мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини эътироф этиш бўйича ҳоким қарори чиқарилди. Мирзо Улуғбек туманида яқка тартибда қурилган уй-жойлар жойлашган ер майдонларида фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ҳамда ер майдонларини тартибга солиш тўғрисида туман ҳокимлигининг 2019 йил 2 августдаги 556-сонли қарори қабул қилинди.

Аброр БЕРДИЕВ,
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими масъул ходими

ЯҚИНДА иш юзасидан бир ҳолатга дуч келдим. Бу ҳолдан юрагим жунбушга келиб, қаттиқ ранжидим. Ҳаётга бўлган қарашларим бироз хира тортгандек бўлди. “Эҳ”, дея кўксимни тимдалаган озорли саволлардан титроққа тушиб, қалбим тугёнга келди.

...Иқтидорли мактаб ўқувчиси ҳақида эшитгандим. Уни излаб таълим даргоҳига бордик. Бизни қарши олган ўрта ёшли муаллима опа мақсадимизни эшитиб, кўп куттирмасдан қизчани эргаштириб келди.

Озода билан сўхбатимиз узоқ давом этди. Бу қизчанинг ўзига хос фикру тафаккури кўп китоб муролаа қилганлигини аниқлаб турарди. Қолаверса, миттигина ёқимтой қизчанинг билимдонлиги кишини ҳайратга солади. У сўзини яқунлар экан:

— Шеър ўқиб берсам, майлими? — деди ҳақида оҳангиди.

Озода ёзган шеърини юрак-юракдан берилиб ўқий бошлади. Мазмуни шундай эди: “Дада, келинг, Сизни жуда соғиндим. Энди сира хархаша қилмайман, Сиз учун овқат пишираман, уйлари тозалайман, кўйлагингизни дазмол қиламан. Дада, келинг Сизни жуда соғиндим!”

...“Оҳ”лар қароғидан тошди. Бу шеърни тинлаганларнинг аксари кўзига ёш олди. Озода билан хайрлашиб, муаллима опадан у ҳақда сўраб-суриштирдик. Отаси қазо қилгандир-да, деган мулоҳазага боргандик. Алҳазар! У, отасиз тирик етим экан. Гулдай қизчани бир аёлниг ноз-карашмаларига алмаштирибди. Епирай!

Ачинарлиси, Озода каби ота-онаси бор тирик етимлар орамузда озмунчами? У сингари ота ёки она меҳрига зор, митти қалбидаги соғинч тўла армонларни тўкиб-солишга интизор болалар минглаб топилмайдими? Уларни шу кўйга солган иллатларнинг олдини олишни олажи йўқмикин? Оилада ва бошқа тарбия масканларида ҳаёт, вақт, фарзанд, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қондошлиқ қадрини англашга, балки барчани бирдек ўргатиш зарурдир? Агар аксини қилса қай ҳолга тушишига ҳаётий ибратлар, видео лавҳалар ёрдамида уқтирилиб, онгу шууримизга сингдириб бориш лозимдир. Меҳрибонлик, муруват ва ногиронлик уйларига етаклаб бориб, шукроналик билан ҳаёт кечиришга даъват этиш, эҳтимол, жуда муҳимдир.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Халқ таълими вазирлиги тасаруфидида А.П.Хлебущкина номи 22-Меҳрибонлик уйи ҳақида эшитмаган одамни топиш қийин бўлса керак.

— Айна пайтада ушбу даргоҳда 110 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Шаҳри Бердиева. — Уларнинг 38 нафари чин етим, 57 нафари ижтимоий?, 11 нафари кам таъминланган, 4 нафари эса ота-онаси ташлаб кетган болалар ҳисобланади. Масканимизда камчиликлар йўқ. Хукуматиимиз томонидан уларга худди ўз уйларидагидек барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бироқ буларнинг барчаси бир бўлганда ҳам ота-онасининг биргина меҳри ўрнини босолмайди-да! Шу сабабли имкон қадар уларга меҳр беришга, шундоқ ҳам ўжик қалбларини янада вайрон қилмасликка уринамиз.

Ҳақиқатан, Озода сингари мурғак гўдаклар Хукуматиимиз томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Жумладан, улар жамиятнинг тўлақонли аъзолари

бўлиб вояга етишлари, таълим-тарбия, тиббий ёрдам, маданый ҳордиқ ва ҳоказолар каби ҳаётий эҳтиёжлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилган.

Абдуманноп ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳри
“Сарҳумдон” МФЙ раиси:

— Маҳалламизда истиқомат қилувчи Р.Мирзатиллаева 10 нафар болани оналик қилиш учун ўз қарамоғига олган. Айримлар ота ёки она, деган номга иснод келтириб, қалбининг бир парчасидан воз кечаётган бир пайтда бировнинг боласини бағрига олишдек мардлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Камтарлиги туфайли шароити ҳар қанча оғир бўлса-да, сездирмайди. Уч хонали уйда шунча бола билан яшайди. Бирор марта ҳам бу масалада мурожаат қилгани йўқ. Ўзига шу ҳақда гап очсак, “Болаларга биринчи галда меҳр кўрсатсак бўлди, қолгани иккинчи даражали”, деб гапни қисқа қилади.

Раҳима МИРЗАТИЛЛАЕВА,
уй бекаси:


— Яширмайман, ҳали туғилмаган боласини менга асраб олишни таклиф қилганлар ҳам учраган. Рози бўлиб, маълум вақтдан кейин келса, боласини беришимни айттардим. Ахир, бола ўз онаси билан бўлганига ҳеч нарса етмайди-ку! Уч нафар болани оналарига қайтариб берганман.

Худого шукр, ўғилларимни уйлантирдим, қизларимни узатдим. 14 нафар набирам бор. Икки нафар қизим ҳам бўйи етмоқда. Яхши жой чиқса, уларни ҳам эгасига топширсам дейман...

МЕҲР ЯРАТГАН МУЪЖИЗА

Ишонч ҳамisha инсон ҳаётини юксалтиради, уни бало-қазолардан асрайди. Бу фикримизга Рафаэль Тобарнинг “Муъжизанинг баҳоси” номи қисқа ҳикояси мисол бўла олади.

Олти ёшли қизалоқ Тессининг укаси оғир касал бўлиб қолди.



Дунёни меҳр қутқаради

Тесси отасининг ойсига умидсизлик билан “Уни фақат муъжиза қутқара олади”, деганини эшитди-ю, дорихона томонга қараб югурди. Пештахта ёнига яқинлашди ва араг нафасини ростлаб:

— Мен... муъжиза сотиб олмақчиман, — деди у дорихоначига.

— Кечирасиз, тушунмадим? — сўради дорихоначи.

— Укам оғир касал. Уни фақат муъжиза қутқариши мумкин экан. Бир бурчақда турган одам қизалоққа яқинлашди.

— Сизга қанақа муъжиза керак, бўталоғим, — деб сўради у.

— Мен... бил... майман, — ҳиқиллади қизча.

— У ҳолда, сизга қандай муъжиза кераклигини билиш учун укангизни кўришим керак, — деди башанг кийинган нотаниш одам.

Остонада машҳур жарроҳни кўрган ота-она қувончдан йиғлаб юборди. Онасининг “Қизик, бу муъжизанинг баҳоси қанча тураркан?” деганини эшитган Тесси жилмайди. Ахир, у бу муъжизани қанча туришини аниқ биларди-да. Бор-йўғи бир ярим доллару эллик цент ва жажоки қизалоқнинг самимий ишончи!

МЕҲР ТАРЗИСИ ҚАЧОН ИХТИРО ҚИЛИНАДИ?

Аслида, муъжизалар фақат эртақларда эмас, ҳаётда ҳам рўй беради. Бироқ ҳаёт, деган улкан теғирмон тоши остида эзилиб қолмаслик учун шунчалар қаттиқ ҳаракат қиламизки, меҳр, деган туйғу борлигини, сенга уни тақдим этадиган инсонларнинг ёниндалиги ва у Яратганинг улуғ инъоми эканини эсимиздан чиқариб қўямиз.

...Ака талабалик даврида сингилнинг туғилган кунларида қўлидан келганига совға-саломлар улашиб турар экан. Оила кўрғач, ташвиш кетидан ташвишлар уланиб, гоҳо хол сўраш ҳам насияга қолган кезлар бўлган. Аммо борди-келдилар узилмаган. Ҳаммаси вақт етимаслиги важдан ўлда-жўлда бўлиб турган-да. Тўй баҳона боришиб, яши кайфиятда тантанани ўтказиб қайтишга, хотин эрини туртиб гап бошлабди.

Орадан ўттиз йил ўтган воқеаларни ёдга солибди.

— Сингилгини кўрдингизми? — Ҳа, кўрдим, — дегандай бош қимирлатди ака.

— Унинг рўмолига эътибор қилдингизми? Рўмоли...

...Жаҳли чиққан ака “сингилгининг рўмолидан олиб беринг”, дейди деб ўйлаб кескин ва совуқ оҳангда:

— Нима қилти рўмолига? Сенга нима? — деб гўлдираб машинанинг ён ойнасидан афрофга нарининг бола бошлабди.

Хотин эса аввалги кайфиятда давом эттибди.

— У сиз совға қилган рўмолни ўраб олган экан. Акам кўриб хурсанд бўлсинлар, деб.

— А? Қачон? Қанақа рўмол? Нималар деясан, — дебди жаҳл ва хайрат аралаш оҳангда.

— Бир пайтлар туғилган куниде совға қилган экансиз-ку?!

Бирдан аканинг чехраси маълум тортиб, олдсиз қолган хотиралари эсига тушибди. Охирги марта совға берганига ҳам ўттиз йилдан ошибди-ку. Хаёлини чакин ургандек тебраниб, оғриқли “ух” тортибди. “Бўлиши мумкин эмас!”

— Ҳа, шундай. Асраб олиб қўйган экан. Акамдан эсдалик, деб.

Бу гап аканинг бошига гурзидай урилибди. Жонига олов пураган бу гап-сўз уни гирибонидан хилпа бўғиб, то манзилига ета-етгунча тилсиз қолдириб, қарақ қилган экан.

Энди ўйлаб кўринг. Ахир, сингил акадан бир нарса умидида эмас, балки меҳр истамаганидими?...

дан содир этилаётганинг гувоҳи бўлаёلمиз-ку!

МЕҲРСИЗЛИК ИНСОННИ ФОЖИГА ЕТАКЛАЙДИ

Дейлик, ўтган йил март ойида Фарғонада ака эски “Нексия” русумли автомашинаси устида таллашиб, ўз укасини пичоқлаб ўлдирган эди. Самарқанднинг Пайшанба шаҳрида эса ука отасидан мерос қолган уй устида таллашиб, акаси ва янғасини ўлдиргани ҳақида хабар тарқалди. 2017 йилнинг августида Фарғонада 51 ёшли ота машина устида таллашиб, 27 ёшли ўз ўғлини ёқиб юборган. 2018 йил 14 октябрь кунини Денов туманидаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, вожа етмаган Б.Б.И ўғли отаси Б.И.Н.нинг танбелларидан жаҳли чиқиб, ҳожатхонага яшириб қўйган пичоқни олиб, уни кўррак, қорин ва сон қисмларига зарб билан урган. Оқибатда, Б.И.Н. касалхонага олиб борилаётган вақтда вафот этган. 2019 йил 9 апрель кунини қиз ўз отасини пичоқлаб ўлдирган. Бу мудҳиш воқеа Нукус шаҳри Қизкетган элатида яшовчи оилада рўй берган. Қизнинг ўз отасини қасддан ўлдиришига нима сабаб бўлганлиги ҳақида тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Ва ҳоказо...

Бу, албатта, шунчаки маълумотлар эмас, балки инсоннинг оғир кечмиши, ҳаётининг қадрсизлиги ва мудҳиш фожиаси эмасми?

Афсуски, бугун ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари орқали хабар қилинаётган бундай кўпплаб фожиаларнинг юз бераётгани биз тилга олаётган меҳр-оқибат туйғуларининг йўқолиб бораётганида, дейиш мумкин.

Тўғри, бир-бирига оқибат кўрсатаётган ота-бола, ака-ука, опа-сингиллар кўп. Бироқ арзима ер учун бир-бирига қўл кўтараётган, юзқурмас бўлаётганлар ҳам анчагина. Аҳли аёлини ҳурмат қилиб, кўрсатган меҳрига муносиб жавоб қайтараётганлар бисёр. Фарзандининг эртанги кунини ўйлаб, унга яхши тарбия берадиган, қасбу хунарга йўналтириётганлар барчага ибрат. Бироқ ўткнчи ҳою-ҳавас, қўнғилхушлик, дега оиласидан юз ўнграётган, елкасига юклатилган масъулиятдан бўйин товлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Бироқ ўз бўлса-да, айрим одамлар бағрида ардоқлаган туйғу — молу дунёга ўчлик бор экан, бу иллат илоҳий ришталарнинг узлишига, илдиизига болта урилишига сабаб бўлиб, инсон кўзини кўр қилиб, қалбдаги меҳр булоғининг ёпилишига туртки бўлади. Шу боис ота-она вафотидан сўнг бойлик таллашиб қариндошлик ришталарини узаетганлар қанча? Ёйинки, фарзандининг бахтини ўйлаш ўрнига зебу сарполар, деб ўз жигарбандини бебаҳат қилган ота-оналар-чи? Бир пайтлар қилган бевафоллиги, оқибатсизлиги туфайли эндиликда фарзандининг дийдорига, чехрасига муҳтож бўлиб, уни кўролмай қафанга ўралган ота-оналар қанча? Юқоридаги мисолларнинг барчаси негизида, илдиизиде меҳр-оқибат турибди. Биз истардик-ки, илоҳий қудрат эгаси томонидан боғланган меҳр-оқибат ришталари абадул-абад узилмасин. Ҳа, инсонинг, дунёни меҳр қутқаради.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ЎЗБЕКИСТОН ва Афғонистон халқларини азал-азалдан муштарак маънавий қадриятлар, ўзаро ўхшаш тиллар ва умумий муқаддас дин бирлаштириб туради, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг илдизлари қадим ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган миттақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслар натижаси ўлароқ, бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар кун сайин ривожланмоқда.

Ҳуқуқий муносабатлар бугунги кунга келиб янги бир поғонага кўтарилди. Бунга куни кеча, яъни 2019 йил 7 августда "Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида"ги Шартноманинг кучга кирганини яққол мисол қилиб келтириш мумкин. Мақзур Шартнома Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у икки давлат томонидан 2017 йил 5 декабрда (хижрий 1396 йил 14 сентябрь) имзоланган.

Мақзур шартноманинг кучга кириши натижасида, эндиликда икки давлат фуқаролари, шунингдек, уларнинг ҳудудда

яшовчи ўзга шахслар ўзларининг шахсий, мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Афғонистон ва Ўзбекистон давлатларининг фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ваколатта эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларига muroжаат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бир давлат фуқароси иккинчи бир давлат фуқароси каби бир хил шартларда суд процессларида иштирок этиш, даъво кўзатиш, илтимоснома бериш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан фуқароларга худди шу йўналишда Муштақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари доирасида "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенция (22.01.1992 й. Минск ш.), шунингдек, бошқа хорижий мамлакатлар (Туркия, Хитой, Корея, Латвия, Литва, Чехия, Болгария, Грузия ва бошқалар) билан эса ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама шартномалар доирасида кенг тармоқли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш-

моқда. Эндиликда, бу давлатларнинг сони яна биттага кўпайди. Ушбу рўйхатга Афғонистон Ислом Республикаси қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Афғонистон Ислом Республикасининг адлия муассасалари билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қилишдан ташқари юридик кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилда Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент давлат юридик университетига бир неча Афғонистон фуқаролари мустақил илазувчи сифатида ҳужжат топширишган.

Юқоридагилар кўшни Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар турли хил соҳаларда, шу жумладан, ҳуқуқий соҳада ҳам ривожлантаётганлигини ва бу каби саъй-ҳаракатлар давлат раҳбарининг Афғонистон бўйича олиб бораётган сиёсатининг самарали натижаси эканлигини яна бир бор исботлайди.

Маъруф ЖУРАХҲУАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

УМРИМИЗ давомида ҳар кун турли идораларга бош суқамиз, турфа касб эгалари билан тўқнашамиз. Банклар ҳам биз энг кўп таширф буюрадиган идоралар, банклар эса, энг кўп дуч келадиганимиз касб эгалари қаторига қиради.

Ҳозир қайси бир банкка кирсангиз, биринчи бўлиб Президентимизнинг "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!" деган шioriга кўзингиз тушадди. Банклар пешгоҳига зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилган бу тамойилга барча амал қилаётганлигига эса шубҳамиз бор. Чунки гоҳида арзимаган юмуш билан банкларга кирганингизда, широрни ўқиб, қанча гурунлансангиз, банк ходимларининг муомаласидан шунча ҳафсалангиз пир бўладди. Банклардаги "ўйин"лар-ку минг хил.

Яна бир ҳақиқат бор. Очқўзлик замон ва макон талламайди. Собир Ҳошимов (исм-шарифини журнал эстикаси учун ўзгартирдик, аслида бундайларнинг кимлигини эл билиши керак...) айни навқирон ёшда, Ватан учун, эл-юрт учун ҳалол меҳнат қилиш ўрнига аллақачон суднинг қора курсисига иккинчи бор ўтиришга ҳам улгурди. Унга ишонган давлатнинг юзига оёқ босди, мансабини сунистеъмол қилди. Ёш кадрларни нуфузли идораларга раҳбарлик лавозимларига қўйган катта ишончга пугур етказди.

ХУФЁНА КРЕДИТЛАР

ЁХУД ЭСКИ ЖИНОЯТНИ ЁПИШ УЧУН ҚИЛИНГАН ЯНГИ ЖИНОЯТ ХУСУСИДА

Унинг биринчи бор қилган жинояти 2018 йилнинг баҳоринда жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а, г" бандлари, 209-моддаси, 2-қисми билан 2 йил 3 ой ахлоқ тузаатиш ишлари жазоси, Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 1 йил 6 ой муддатта мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ахлоқ тузаатиш ишлари жазосининг 1 йил 10 ой 28 кун, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг 1 йил 1 ой 28 кунини ўтамай туриб, яна бир жиноятни содир этди.

Янги жиноят иши ва унинг тафсилотлари кизик. Эски, очилмай қолган жиноятни ёпиш, унинг изини йўқотиш учун янги жиноят содир этган С.Ҳошимовнинг қилмишлари қора. Игтйёзли кредит оламан, деб бошини қайси бир тошларга уриб, қай бир амалдорларга ялиниб, "Уртага қўшиб" югуриб юрган минглаб тадбиркорларнинг ишлари битмаётганлигига айнан ана шундай Собир Ҳошимовларнинг айби борлигига асло шубҳа йўқ.

Тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратилишига тўсқинлик қилиши етмаганидек, уларнинг номларидан хуфёна ҳужжат тайёрлаб, кредитни ўзи олиб, ўзлаштиришдан қўрқмайди диган бундай виждон ўтрилари ўз жиноятларини ёпиш йўлларини ҳам жуда яхши билди. Аммо жиноят жазосиз қолмайди. Ҳар қанча яшириш, қочиниш бўлмасин, жиноятта жазо муқаррар.

Қизилқумдек олис ҳудудда минг машаққатлар ва қийинчиликлар билан меҳнат қилаётган одамлар ҳақига хиёнат қилаётган С.Ҳошимовнинг сирлари ҳам очилди. Ўтган йилнинг айни ёз чиласида Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қуриши курашиш Департаменти Томди туман бўлими томонидан фуқаролар А.Итемғенов, Қ.Турсинбаев, Б.Бекетаев ва "Қодир Мирзо" фермер хўжалиги раҳбари С.Идиевларнинг АТБ "Агробанк" Томди туман филиали мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги muroжаатлари ўрганиб чиқилди, материаллар бўйича терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилди.

Яхшиямки, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу жиноятнинг изига тушишди. Йўқса, ёпишлик қозонлаб ёпишга қўлиб, давлат маблағи талон-тороқ қилиниши давом этарди, балки бу жиноий иш кумга синиган сувдек исзис қолармиди?!

2014 йилдан 2018 йилнинг июнь ойига қадар АТБ "Агробанк" Томди туман филиали бошқарувчиси бўлиб ишлаган С.Ҳошимовнинг бошқа кирдиқорлари анча кеч очилди. У мансабдан тушган, аввал содир этган жинояти учун жазони ўтаётган бир пайтда бу иш унга қўтилмаган "совға" бўлди. "Агробанк" туман филиали мансабдор шахсларининг фуқароларнинг номига, уларнинг хабарисиз сохта ҳужжатлар асосида ажратилган имтиёзли кредит маблағлари талон-тороқ қилинганини ҳолати юзасидан терговга қадар текшириш ҳаракатлари ўтказилаётганлигидан хабар топган собиқ банк бошқарувчисининг тинчи йўқолди. У қандай қилиб бўлса ҳам эски жиноятларнинг "мисн чикмаси"ни чорасини топиш ҳақида ўйлайди.

"Агробанк" Томди туман филиали томонидан 2018 йилнинг апрель-май

ойларида расмий ҳужжатларни сохташатириш йўли билан фуқароларнинг хабарисиз, А.Итемғенов, Б.Бекетаев ва Қ.Турсуновларга миллионлаб кредит маблағини ноқонуний ажратилганига ва ўзлаштирилганлиги ҳолати юзасидан Департаментнинг туман бўлимига қақиртилганидан сўнг саросимага тушиб қолди. У жиддий жавобгарликдан қўтилиб қолиш мақсадида Департаментнинг Томди туман бўлим бошлиғи А.Пардасва 1000 АҚШ доллар миқдоринда пара беришни таклиф қилади.

Пулни пулга уриб, ўз жиноятини яшириб юрган устасидоғилар банк қир чувчарани хом санаганлигини анча кеч англайди. Чунки у А.Пардасвнинг собиқ банк бошқарувчисининг унга пара таклиф қилаётганлиги ҳақида Департаментнинг вилоят бошқармасига билдирги орқали muroжаат қилганидан беҳабар эди. Давлат мулк ўғриси Департаментнинг вилоят бошқармаси ва вилоят прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тежор тадбир давомида ашёвий далиллар билан қўлга олинди ва Жиноят кодекси 211-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинди. Суд мажлисида судланувчи С.Ҳошимов айбига тўлиқ иқrorлик билдирди. Унга аввалги ўталмасдан қолган жазоларни, мақзур ҳукм билан тайинланган жазоларга қисман қўшиш йўли билан ҳукм чиқарилди. Аммо унинг давлатимизга, халқимизга хиёнатини осонликча унутиб бўлмайди, кечириб ҳам бўлмайди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Исон ва қонун" муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 06.03.2018 йилда Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчаси, 22-й 105-хонадон манзилига №587078 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "YULDUZ BARAKA" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 13 августдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТПР: 305 384 928.

Шайхонтоҳур туман "Ягона дарча" маркази томонидан 10.05.2018 йилда Шайхонтоҳур тумани, Октепа қавоуси, 45-й, 8-хонадон манзилига №609196-09 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "QANOAT BIZNESS" оилавий қорхонаси 2019 йил 13 августдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қорхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТПР: 303 932 071.

Мирзо Улғубек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 10.04.2018 йилда 598786-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улғубек тумани, Темурут Малик кўчаси қорхонасидаги "ЭКО" бозор қаршидаги Мирзо Улғубек йўлида жойлашган бекат маъзиллиги "FAZLI-BIZNESS" масъулияти чекланган жамият 2019 йил 14 августдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлопар (90) 926-96-89 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 474 997.

Мирзо Улғубек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 10.04.2018 йилда 598789-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улғубек тумани, Мирзо Улғубек ҳамда Парикентсий

қорхонасидаги "Летний сад" кафесининг олдидаги бекат маъзиллиги "RASUL-OMAD" масъулияти чекланган жамият 2019 йил 14 августдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлопар (90) 926-96-89 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 474 902.

Мирзо Улғубек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 10.04.2018 йилда 598786-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улғубек тумани, Буюк Ипақ йўли, Ш.Буҳронов қорхонасидаги "Gulshan Bog" олдидagi бекат маъзиллиги "TOSHKENT BARAKA BIZNESS" масъулияти чекланган жамият 2019 йил 14 августдаги қарорига асосан тугатилди.
Давлопар (90) 926-96-89 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 475 022.

Учқўприк туман "Халис адолат йўли" адвокатлик бироси адвокат Якубов Абдувахид Абдуқадирович (лицензия 29.12.2018 йил, FE №000122, адвокатлик гувоҳномаси №121, 29.12.2018 й.) адвокатлик тузилмасидан чиққинини сабабми Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 13-моддаси ҳамда вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг 2019 йил 25 июндаги 233-ум-сонли буйруғига асосан унинг адвокатлик макрми у ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилганига қадар ёхуд мақдуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирганига қадар бўлган давргана тугатилди.

Мирзо Улғубек тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 23.09.2008 йилда 004109-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улғубек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 5-й манзилда жойлашган "CABSAT-INVEST" масъулияти чекланган жамият 2019 йил 12 августдаги 1-сонли баённомага асосан тугатилди.
Давлопар (93) 505-16-30 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 206 976 097.

Мирзо Улғубек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 19.03.2019 йилда 701305-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улғубек тумани, Осат кўчаси, 16-й, 53-хонадон манзилда жойлашган "CONSULT POWER ENGINEERING" масъулияти чекланган жамият 2019 йил 15 августдаги 2-сонли баённомага асосан тугатилди.
Давлопар (90) 954-22-25 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 306 250 341.

Учқўприк туман "Халис адолат йўли" адвокатлик бироси адвокат Якубов Абдувахид Абдуқадирович (лицензия 29.12.2018 йил, FE №000122, адвокатлик гувоҳномаси №121, 29.12.2018 й.) адвокатлик тузилмасидан чиққинини сабабми Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 13-моддаси ҳамда вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг 2019 йил 25 июндаги 233-ум-сонли буйруғига асосан унинг адвокатлик макрми у ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилганига қадар ёхуд мақдуд адвокатлик тузилмаларидан бирига кирганига қадар бўлган давргана тугатилди.

ИНСОН ВА ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.insonuz.uz

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Акбар Жўрабеович
Рабиев Шерзод Мирқалипович
Тожев Фуқрат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилпович

Тахририятга келган қўлғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тохиббоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 ўлчаминда, 2-босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ўза суратларини фойдаланилди.

Тиражи — 10184
Буюртма — V-3707
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпириш — 18:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш. Саййиғоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳор келинган нарҳда

1 2 3 4 5

БУНДАН атиги икки-уч йил муқаддам одамларимизнинг онги, дунёқараши ҳаётга бўлган муносабати бу даражада кескин ўзгариши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаганидир.

Юртбошимиз таъаббуси билан мамлакатимизда олиб борилган ўзгаришлар халқимизнинг турмушида том маънода бурилиш ясади. Чет эл сармоядорларининг кириб келиши, иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир қатор истикболли лойиҳалар, замон талабига мос техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш билан боғлиқ ишлар мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Энг муҳими, меҳнатга бўлган муносабат, янгича тарзда ишлаш, дунё тамаддунидан орта қолмай замон билан ҳамнафас фаолият кўрсатиш бугуннинг талабига айланди. Азалдан тадбиркорлик, ишбилармонлик конида бўлган юртдошларимиз киска фурсатда хорижнинг арзирли иш услуби, уларнинг тажрибасини ўзлаштириб, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугун дёйримизда катта-катта sanoat корхоналари кад ростлаб, хорижликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, уларнинг аксарияти тўла қувват билан ишлашга ва халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган. Энг муҳими, киска фурсатда нафақат пойтахт ёхуд вилоят марказлари, балки олис қишлоқларда ҳам ободончилик ва бунёдкорлик борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Бунда эса мамлакатимиз раҳбарининг вилоятлар, туманларга тез-тез ташриф буюриши, халқимизнинг фаровонлиги йўлида, унинг турмуш даражасини оширишда берилган топириқлар жойлардаги бунёдкорлик ва ободончилик борасида ўз самарасини бера бошлади.

— Давлатимиз раҳбарининг бугун замоннинг ўзгарганлиги, энди эскича яшаб, эскича фикр юритиб бўлмаслиги, орта йўл йўқлиги ҳақидаги гаплари бизни ҳар қачонгидан ғайрат ва ишжаоғ билан ишлашга ундади. — деди Каттакўрғон туман ҳокими Аъзамхон Усмонов. Мамлакатимиз раҳбари 2018 йил 16 мартда Самарқандга, хусусан, бизнинг туманимизга ташриф буюриганида бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб берганди. Шундан кейин ободончилик, илгор технологияларни жалб этиш, инвестиция киритиш борасида туманда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2018 йил ҳамда жорий 2019 йилнинг 1-чорагида туманда 123,1 миллиард



КЕЛИНГ, КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ!

сўм микродорида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Утган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102,3 фоиз кўп. Бу соҳада худудий корхоналар томонидан 85,4 миллиард сўм микродорида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу бордаги режадан қарийб 102 фоизга ўсишга эришилган. Жами етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми 965,0 миллиард сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112 фоизни ташкил этади, дегани.

Туман бўйича мавжуд 11 та экспортёр корхоналар томонидан 2019 йилнинг 1-ярми йиллигида 9,4 миллиард АҚШ доллари микродорида sanoat ва қишлоқ хўжалиги экспорти амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 мартага ўсишга эришилди.

Товар ва хизматлар импорти ҳажми 2,7 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135 фоиз юқори

нағижгага эга бўлди.

2018 йилда жами 174 минг АҚШ доллари микродорида асбоб-ускуна кўринишида хорижий инвестиция ўзлаштирилган. 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида 5,2 миллион АҚШ доллари микродорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган. Жумладан, 4,8 миллион АҚШ доллари асбоб-ускуна, 4 минг АҚШ доллари устав фондиди шакллантириш учун нақд пул кўринишида олиб қилинган.

2019-2020 йилларда жами лойиҳа қиймати 2 триллион 348 миллиард 483 миллион сўм (ўз маблағи 232 миллиард 85 миллион сўм, банк кредити 302 миллиард 329 миллион сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 220 миллион 984 минг АҚШ доллари) бўлган 116 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган.

2019 йил 1-ярмида туманининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларига асосан sanoat, хизмат кўрсатиш, қишлоқ

хўжалиги йўналишларида жами қиймати 154 миллиард 140 миллион сўм (шундан ўз маблағи 80 миллиард 159 миллион сўм, банк кредити 73 миллиард 981 миллион сўм) бўлган 61 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 139 та янги иш ўрни яратилиш кўзда тутилган.

2019 йил 1 март ҳолатига туманда 6 та қўшма корхона ва 1 та хорижий корхона мавжуд бўлиб, улардан 3 таси ўз фаолиятини 2018 йилда бошлади ва яна 3 таси 2019 йилда ташкил этилиб, йилнинг охиригача улар ҳам тўлиқ ишга тушади. Жумладан, 2018 йилда туманда Хитой инвестицияси иштирокида тўғридан-тўғри инвестиция ҳажми 340 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи йиллик қуввати 2,4 миллион тонна цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган цемент заводи — “HENGUYUAN CEMENT” корхонаси қурила бошлади. Завод қурилишининг 1-босқичи 2018-2020 йилларда амалга оширилди ва бу босқичда 220 миллион АҚШ доллари микродорида тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобидан йиллик қуввати 1,2 миллион тонна бўлган дастлабки блок ишга туширилди. Иккинчи босқич 2020-2021 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 120 миллион АҚШ долларлик тўғридан-тўғри инвестиция киритиш орқали йиллик қуввати 1,2 миллион тоннани ташкил этадиган иккинчи блок ишга туширилди. Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга тушгач, 600 дан ортқ янги иш ўринлари яратилади. Йил якунига қадар 50 миллион АҚШ доллар хорижий инвестиция киритилиши кутилмоқда. Туманда 2018 йил сентябрь ойида “Stoun holding group” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси ташкил этилди. Натижлада, умумий қиймати 1 миллион 120 минг АҚШ долларилик, (шундан 740 минг АҚШ долларилик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб) микрокальцит ишлаб чиқариш бўйича ишлар бошланган. Ҳозирги кунда туманда 40 дан ортқ чет элнинг нефузили корхоналарига инвестиция тақлифлари жўнатилди ва улар томонидан ишчи гуруҳлари ташриф буюрмоқда.

Туманда ташкил этилган “Био-лакт Шамс Инвест” қўшма корхонасига Беларусь давлати томонидан 1250 бош қорамолга мўлжалланган чорва комплекси ва сутказица 30 тонна сут маҳсулотлари, 30 тонна курук сут ишлаб чиқарадиган корхона, 6 гектар майдонга эга иссиқхона ташкил этилиб, 6000 гектар интенсив боғлар ташкил этиш каби лойиҳаларга 78 миллион АҚШ доллари микродорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши режалаштирилган.

2019 йилнинг ўтган даврида туманда 21 километр узунликдаги йўл тўлиқ асфальт қилиниб, таъмирлаш ишлари бажарилиб, 13 километр йўлга тош, шағал ётқизилди. “Каттакўрғон туман йўллардан фойдаланиш” ДУК техник базасини ривож-

лантириш мақсадида 2 та завод реконструкция қилиниб, махсус фрезер техникаси келтирилди. Туманда электр таъминотини яхшилаш учун шу пайтгача 6 на янги трансформатор, 8 километр узунликдаги янги электр тармоқлари симлари тортилди. 14 километр тармоқ жорий ремонт қилиниб, 96 на темир-бетон таянчлари ўрнатилди. Шу йилнинг ўтган даврида Қорақўлча маҳалласининг Худойқулбод қишлоғи тўлиқ газлаштирилди. Тугаб кетган “Сувокова” ташкилоти қайта ташкил этилди. Натижлада, 11 на сув насослари таъмирланди, 8 та сув ишооти қурилди. Шу йилнинг ўтган даврида 23 километр сув тармоғи тортилди.

Президентимизнинг 2019 йил 20 февралдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги Муидиён, Муллоқўрпа ва Валижон қишлоқларида Давлат дастури асосида катта ҳажмдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

2019 йилда Мақтабгача таълим вазирлиги билан 81 та оилавий мактабгача таълим муассасалари ташкил қилиш юзасидан битим имзоланиб, бугунгача туманда 79 та оилавий боғча фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг маҳаллий бюджетнинг туман ҳисобига қилиниши борасида чиқарган қарори халқимизнинг фаровонлиги учун катта фойда бермоқда. Масалан, 288 миллион сўм эвазига туман Маданият бўлими учун концерт зали тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Айни дам туман ҳокимлиги биноси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди биноси ва туман Сув хўжалигида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида туман Тиббиёт бirlашмасининг тўтурук мажмуаси, жарроҳлик ва шопилниқ тез тиббий ёрдам бўлиmlарини таъмирлаш режалаштирилган.

Халқаро мольна ташкилотлари томонидан 2018-2019 йилларда туманимиздаги 11 та лойиҳага жами 3 миллион 109 минг АҚШ долларилик имтиёзли шартлар асосида кредит ажратилди. Бунинг натижасида туманимизга 7 та чорвачилик фермер хўжалиги томонидан четдан 550 бош зотли моллар келтирилди. Россия технологияси асосида “Қўшқовуз” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 3 миллион АҚШ доллари бўлган лимонария қурилиши давом этмоқда. Лимонарияда ҳамда хонадонларда етиштирилган лимонларни сақлашга мўлжалланган 2 минг тонна ҳажмдаги музлаткичли обморохна қурилмоқда. Бу лойиҳа яқин кунларда ишга тушади.

Туман ҳудуди 139 263 гектарни ташкил этиб, экин майдонлари 42 810 гектардан иборат. Ушбу экин майдонларида турли йўналишларда 1079 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 62 644 тонна галла, 1684 тонна мева, 5433 тонна сабзавот, 42 тонна узум, 385 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилиб, ички ва ташки бозорга сотилди. Ўтган йиллар давомида пилладан ҳар йили бор-йўғи 150 тонна атрофида хомашё етиштирилиб келинган бўлса, жорий йилда 302 тонна пилла хомашёси етиштирилди.

Туманда 82 та балкичилик хўжалиги мавжуд бўлиб, 436 гектар ер ажратилган, интенсив усуллардан фойдаланган ҳолда “Каттакўрғон жайхун” фермер хўжалиги ҳамда “Қазирок” МЧЖ томонидан янги усулдаги кафас (салок) усулида балки етиштирилмоқда.

Шу тарика Каттакўрғон туманида аҳоли фаровонлиги, барқарор иқтисодий муҳитга эришиш, замонавий шароитларда ҳаёт тарзини ташкил этиш мақсадида кенг қўламли ишлар бундан кейин ҳам давом этади.

Азим ҚОДИРОВ,
“Исон ва қонун” муҳбири



2019-2020 йилларда жами лойиҳа қиймати 2 триллион 348 миллиард 483 миллион сўм (ўз маблағи 232 миллиард 85 миллион сўм, банк кредити 302 миллиард 329 миллион сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 220 миллион 984 минг АҚШ доллари) бўлган 116 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган.